2007 YIL 18 MAY, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 62 (7211). Sotuvda erkin narxda



**Кунлар исий бошлагач, яхна ичимликларга бўлган талаб ортади. Шу боис айни пайтда ишбилармонларимизу юртимизда фаолият юритаётган корхоналар халқимизга ушбу маҳсулотларни етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.**

**ТОШКЕНТ вилояти Қибрай туманидаги "Интер-Роҳат" қўшма корхонасида ҳам айни дамда истеъмолчилар учун турли маъданли ва ширин ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда.**

**Бу жараёнда корхона лабораторияси мутахассиси Машҳура Алиматованинг ҳам ҳиссаси бор. Чунки маҳсулотнинг сифатли ҳамда харидоргир бўлиши кўп жиҳатдан унинг меҳнатига боғлиқ.**

**СУРАТДА: М.Алиматова. К.ЎЛМАСОВ олган сурат.**

# Президентнинг Оролбўйига сафари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида 17 май куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.**



Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қорақалпоғистонда рўй бераётган ўзгаришлар, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги янгиланишлар одамларнинг турмуш тарзида, онгу шуурида ўз инъикосини топмоқда. Бу – Қорақалпоғистон аҳлининг заҳматли меҳнати эвазига эришилаётган ютуқларда, шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг қиёфасида, ишга туширилаётган янгидан-янги иншоотларда, ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида янада яққолроқ намоён бўлади.

Ер ҳақиқий эгасини топмоғи керак. Унинг асл соҳиби эса фермердир. Таъбир жоиз бўлса, Юртбошимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг туб моҳиятини ана шундай изоҳлаш мумкин.

Қорақалпоғистонда ҳам фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда қарийб 10 минг фермер хўжалиги фаолият олиб боряпти. Шулардан 4,5 мингга яқини пахтачилик, 2 мингдан кўпроғи ғаллачилик, салкам бир ярим мингтаси полизчилик, яна мингга яқин фермер хўжалиги чорвачилик ҳамда балиқчилик билан шуғулланади. Ўтган йили уюлган пахта хирмонининг 98 фоизи фермерлар улушига тўғри келгани ҳам мазкур соҳада ишлар изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга сафарини аграр соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишишдан бошлади. Хўжайли туманининг "Тошкент" фермер хўжаликлари бирлашмаси, шунингдек, Қанликўл туманидаги "Бескўпир" муқобил машина-трактор паркига қарашли Бахт Назаров раҳбарлигидаги "Худайберган Шаншимай" фермер хўжалиги ҳамда Тожихол Эшқобулова раҳбарлигидаги "Ғофир" фермер хўжалиги далаларида бўлди.

Фермер Тожихол Эшқобулова 20 гектар ерда ғўза ва шунча майдонда ғалла парваришламоқда. Бунда тасарруфидаги ўндан зиёд техникадан унумли фойдаланаётгани қўл келмоқда. Унинг 300 бош қорамоли ҳам бор.

Юртбошимиз билан суҳбат чоғида фермер ўтган йили 30 миллион сўм даромад олиб, иккита кам таъминланган оилага сигир ҳадя қилгани ва муқаддас ҳаж зиёратига бориб келгани ҳақида сўзлаб берди.

Президент Ислом Каримов қорақалпоғистонлик фермерлар билан учрашувлари чоғида мураккаб иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилаётгани учун уларга самимий миннатдорлик изҳор этди. Кишиларнинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришлари учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш уларнинг меҳнат жабҳасида янгидан-янги марраларни эгаллашларида муҳим омил эканига эътиборни қаратди.

Мамлакатимиз саноатида Қорақалпоғистоннинг алоҳида ўрни бор. Хўжайли шиша заводи, "Марказий Осиё безак тошлари" қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, Урга газ кони, "Элтекс" ва "Катекс" каби ишлаб чиқариш мажмуалари замонавий саноат корхоналаридандир. Ўтган йилнинг ёзида улар қаторига Қўнғирот сода заводи қўшилди.

Ушбу йирик завод ўз ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлари билан минтақамизда ягона ҳисобланади. Мазкур корхона йилига 100 минг тонна кальцийланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга. Сода ишлаб чиқариш технологияси мураккаб жараён. Ушбу жараён дунёга машҳур "Хонивелл" ва "Сименс" фирмалари компьютерлари тизими орқали бошқарилади. Янги корхонанинг яна бир аҳамиятли томони – бу ерда бир минг 300 нафар киши меҳнат қилади.

Ислом Каримов завод марказий бошқарув пульти мутахассислари билан мулоқотда бўлди.

2006 йили завод 12,8 минг тонна сода ишлаб чиқарди. Бугунги кунга қадар 9 миллиард сўмликдан зиёд сода сотилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг августидан эътиборан бу ерда ҳар йили 100 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди. Илгари Ўзбекистон кимё саноати учун йилига 70 минг тонна ана шундай маҳсулот четдан келтирилар эди. Эндиликда Оролбўйида ишлаб чиқарилаётган ушбу сода мамлакатимиздаги "Кварц" акциядорлик жамияти, "Фарм-гласс" ва "Ғазалкент-ойна" қўшма корхоналари, шунингдек, ёғ-мой, кимё, металлургия корхоналарига етказиб берилмоқда. Яқин орада завод маҳсулотларининг ички эҳтиёждан ортиқча қисмини хорижга экспорт қилиш бошланади.

Мамлакатимиз раҳбари Устюрт саҳросида қад ростлаган ушбу ноёб корхона йирик даромад манбаи, фаровонлик рамзи бўлибгина қолмай, халқимизнинг, аввало, шу заминда истиқомат қилаётган қорақалпоқ элининг ғурур ва ифтихори эканини таъкидлади. Завод фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, ишчи-хизматчиларга тегишли шарт-шароит яратиш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги "Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртқи бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлимнинг ўқув-лаборатория базаси завод ҳудудига жойлаштирилди.

Ҳозир бу ерда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 192 нафар талаба тўрт ихтисослик бўйича таҳсил олмоқда.

Президентимиз завод инженер-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари билан учрашди.

- Далаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати кўнгилни қувонтиради, - деди Юртбошимиз. - Халқимиз истиқлол неъматларига шукроналик туйғуси билан яшамоқда. Кишиларимиз бахт, орзу-ният оғушида, кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими, келажакка – Ватанимизнинг ёруғ истиқболига қатъий ишонч билан қарамоқда.

Президентимиз Нукус шаҳридаги Болалар ёпиқ спорт саройини бориб кўрди. Барча замонавий шарт-шароитларга эга мазкур спорт масканида бир кунда 500 нафар бола спортнинг 14 тури билан шуғулланиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бу ерда спорт мураббийлари ва спортчилар билан мулоқотда бўлди. Спортчи ўғил-қизларга спорт анжомлари совға қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари истиқлол йилларида ўзига хос қиёфа касб этаётган Урганч шаҳрида, хусусан, унинг марказий майдонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Икки арк, ранго-ранг фавворалар, буюк аждодимиз Ал-Хоразмийнинг маҳобатли ҳайкали майдонга ўзгача виқор ва кўрк бағишлайди.

Юртбошимиз бу ерда меҳнат қилаётган қурувчи ва муҳандислар билан суҳбатлашди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

**Ғулом МИРЗО, Аминбой ОРТИҚБОЕВ, ЎзА махсус мухбирлари.**

# Европа Иттифоқининг қарори – «икки ёқлама стандартлар»нинг яна бир кўринишидир

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 14 май куни Ўзбекистонга нисбатан санкцияларни узайтириш тўғрисида асоссиз ва нохолис хулоса қабул қилингани муносабати билан берган баёноти хорижий мамлакатларнинг давлат, сиёсат ва эксперт доираларида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида катта акс-садо берди.**

Хусусан, **Франциянинг «Bastille-Republique-Nations» ойлик нашри бош муҳаррири Пьер Левининг** фикрича, Европа Иттифоқининг ушбу қарори ғайриқонуний, адолатсиз ва ҳатто хавфлидир.

- Мазкур қарорнинг **ғайриқонунийлиги** шундаки, - деб таъкидлади П.Лев,- Европа Иттифоқи бутун Европа халқлари номидан гапиришни даъво қилаётган экан, аввало, уларнинг фикрини ўрганиб чиқиши лозим эди. Бу халқлар ҳақиқий воқеадан яхши хабардор бўлганида, мазкур янги қарор уларни қаттиқ таажжубга солган бўларди. Чунки мазкур қарор Европа Иттифоқига аъзо 27 мамлакатнинг ташқи сиёсати ва умумий хавфсизликка оид сиёсатида икки ёқлама стандартлар мавжудлигига ишорадан ўзга нарса эмас. 2004 йилдан бери Европа Иттифоқига аъзо Эстонияда рўй берган бир воқеани мисол келтирмоқчиман. Эстония ҳукумати 1945 йилдаги ғалаба рамзи бўлган ва 60 йил мобайнида Таллин марказида қад ростлаб турган ёдгорликни кўчириш ташаббуси билан чиқди. Бу, пировардида, мамлакатдаги русийзабон аҳоли орасида оммавий норозилик пайдо бўлиб, намойишлар юз беришига ва уларнинг куч билан бостирилишига олиб келди. Натижада юзлаб одам жароҳатланди. Бир киши ҳалок бўлди. Кўплаб одамлар ҳибсга олинди. Европа Иттифоқи эса бунга эътироз билдириш ўрнига Эстония ҳукумати билан бирга эканлиги тўғрисидаги баёнотини овоза қилди.

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг **адолатсизлиги** шундаки, ЕИ Ўзбекистонга икки марта ўз делегациясини жўнатди. Уларнинг аъзоларига Ўзбекистон томонидан фожиали воқеалар юз берган жойларга бориш, у ерда гувоҳлар билан бевосита суҳбатлашиш имконияти яратиб берилди. Амалда эса, воқеаларнинг ҳаққоний манзарасини аниқ кўрсатиб берувчи кўплаб далиллар мавжудлигига қарамай, гўё Ўзбекистон айрим Европа давлатлари назарида муқаррар «айбдор» бўлиши керак, деган таассурот қолмоқда.

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг **хавфлилиги** шундаки, ЕИ халқаро муносабатлар соҳасида ЕИ санкцияларини қўллаш сиёсати одатий ҳолатга айланиб бораётганини кўрсатувчи ўзининг «ноёб» концепциясини яна бир карра намоён этди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар (Вашингтон сингари) ким кучли бўлса, ўша ҳақ, деган ягона қонунга амал қилишдек аянчли иллатга хос аломатларни кўрсатмоқда. Улар ана шу мақсадларига эришиш учун атай ўйлаб топилган «инсон ҳуқуқлари» билан боғлиқ тезислардан фойдаланмоқда. Ушбу хатти-ҳаракатларнинг асл замирида эса узоқни кўзлаган геостратегик мақсадлар, аниқроғи, энергия манбаларини қўлга киритиш режаси ётибди.

Европа Иттифоқининг мазкур қарори эркин, тенг ва суверен мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик қандай мантиққа асосланишини нотўғри тушунишнинг яна бир намойиши бўлди.

**Миср ташқи ишлар вазири ўринбосарининг ёрдамчиси Фаргали Таха** Тошкентдаги Миср элчихонасида ишлаган ўша 2005 йилдаёқ қатор Ғарб мамлакатларининг Андижон воқеаларига ёндашувига нисбатан салбий муносабат билдирганини қайд этди.

Ф.Таха Миср ҳар доим бу масалада Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаганини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажагини таъкидлади. У Европа Иттифоқи давлатларининг асоссиз хулосаларини қоралади. Унинг фикрича, Европа Иттифоқининг ушбу позицияси Европа давлатларининг улкан имкониятларга эга Ўзбекистон Республикаси билан муносабатини ривожлантиришга монелик қилади.

**Халқаро стратегик тадқиқотлар маркази ижрочи директори Одил Сулаймон** Европа Иттифоқи қарорини танқидий баҳолар экан, "Ғарб давлатлари бошқа мамлакатларда рўй бераётган жараёнларни нотўғри тушуниб, оқибатда террорчилик фаолияти ортида турган бузғунчи кучларни ҳимоя қилиб, номуносиб йўл тутмоқда", деди.

О.Сулаймон Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи Кенгаши хулосасига нисбатан берган адолатли жавоби тўғри эканини таъкидлади.

**"Нухба" тадқиқот маркази (Миср) раҳбари Аҳмад Фода** Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг 2007 йил 15 майдаги баёноти билан танишиб чиққач, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёни муваффақиятли амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилганини айтди.

Унинг фикрича, Европа Иттифоқи Ғарбга хос демократик қадриятларни бошқа мамлакатларга тиқиштиришдан аввал, муайян жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишлар ушбу мамлакат аҳолисининг менталитетига асосланишини яхши англаб олиши даркор.

**Кувайтда** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти Ўзбекистон томонининг барча манфаатдор томонлар билан холис мулоқотга тайёр эканини тасдиқловчи пухта ўйланган ҳамда аниқ далилларга асосланган ҳужжат сифатида баҳоланди.

Масалан, **Арабистон очиқ университетининг Кувайт филиали директори, сиёсатшунос Фаҳд ал-Мекрад** Ўзбекистонда бир неча марта бўлиб, бу ерда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ўзгаришлар жадал ва изчил амалга оширилаётганига шахсан ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Шу муносабат билан у, давлат бошқарувини демократлаштириш, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ҳамда ўрнини кучайтириш борасидаги ишлар муҳим самаралар бераётганини таъкидлади.

У дунёнинг барча мамлакатларида давлатга қарши жиноят ҳисобланган конституциявий тузумга тажовуз қилишга оид фактларни текшириш мазкур давлатнинг ички иши экани ва бу жараёнга четдан аралашувларга асло йўл қўйиб бўлмаслигига эътиборни қаратди.

Фаҳд ал-Мекраднинг фикрича, Ўзбекистоннинг бир неча Европа экспертлари гуруҳларига 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар юзасидан тергов ва суд жараёнлари материаллари билан танишишга рухсат бергани республика раҳбарияти мулоқотга тайёр эканининг яна бир далилидир.

Сиёсатшуноснинг хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг мазкур баёноти ўзини "инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар" деб атайдиган баъзи кимсаларнинг ғаразли, ҳақиқатдан йироқ баёнотларига таянадиган, Андижон воқеаларини текшириш натижаларини қасддан бузиб кўрсатишга ва Ўзбекистон танлаган демократик ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини шубҳа остига қўйишга интилаётган айрим кучларга нисбатан аниқ далиллар билан исботланган жавоб сифатида кўриб чиқилиши лозим.

**("Жаҳон" - ЎзА)**

# "ЭКОСАН"нинг навбатдаги автопоезди

## бундан ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар баҳраманд бўлишаётир

***"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти Жиззах вилоятига навбатдаги 30 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган "ЭКОСАН" саломатлик автопоездини юборди.***

Инсонпарварлик ёрдами кийим-кечаклар, пойабзаллар, кўрпа-тўшак ғилофлари, санитария-гигиена молларидан иборат.

Шунингдек, йил бошида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига, мурувват уйлари, тиббиёт муассасаларига ёрдам кўрсатиш мақсадида бундай поездлар республикамизнинг барча минтақаларига жўнатилиши мўлжаллланганди. Режага биноан, жорий йилда 6 та "Ўзбекистон темир йўллари – ЭКОСАН" саломатлик поезди ҳамда автопоездлар орқали Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Наманган ва Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига салкам 300 миллион сўмлик ёрдам жўнатилди.

Бундай ёрдамлар ҳомийлар маблағлари ва "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида ўтказилган экологик ҳашарлардан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

**Миркарим МИРСОВУРОВ, "ЭКОСАН" Халқаро ташкилоти маслаҳатчиси.**



# Дунё саҳнасида



→ 2

# Халқаро анжуман

***Пойтахтимизда "Ўзбекистон нефть ва гази – 2007" халқаро кўргазмаси доирасида очилган "Ўзбекистон нефть ва газ саноати: ривожланиш тамойиллари ва ҳамкорлик истиқболлари" мавзуидаги халқаро конференция якунланди.***

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "ITE Uzbekistan", "I.T.E. Exhibition & Conferences Ltd." (Буюк Британия), "GIMA" (Германия) сингари компаниялар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Россия, Австрия, Германия, Голландия, Франция, Польша, Чехия, Туркия, Эрон, Хитой, АҚШ, Малайзия, Индонезия, Озарбойжон, Украина, Қозоғистон каби йигирмага яқин мамлакатдан тўрт юздан зиёд олим ва мутахассис иштирок этди.

**Ҳамкорлик**

"Ўзбекнефтгаз" "Газпром", "Лукойл" (Россия), "Petronas Carigali Overseas" (Малайзия), "Турбогаз" (Украина) каби етакчи нефть-газ компаниялари билан ўзаро стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган. Улар билан биргаликда геология-қидирув ишларини ўтказиш, нефть ва газ конларини ўзлаштириш борасида қатор сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон нефть-газ саноатига хориж сармоясини кенг жалб этиш, юртимиз ҳудудидаги янги нефть ва газ конларини қидириб топиш ва ишга тушириш борасидаги халқаро ҳамкорлик истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди. Қатнашчилар келгусида углеводород хом ашёсини қазиб олиш ва етказиб бериш ҳажмини ошириш, конларни ўрганиш ва ўзлаштиришнинг муаммо ва истиқболлари ҳамда нефть ва газни қазиб олувчи, транзит ҳамда истеъмол қилувчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**



# Спорт оламида



→ 4

# Ҳалол меҳнатнинг баракаси нақд

## дейишмоқда бухоролик касаначилар

***Вобкент туманидаги Қўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Рамазон Ражабов бир қути ипак қуртини парваришлаб, сифатли пилла етиштирди. Қабул пунктида хом ашёни тарозига тортишганида, Рамазон ака бир қути ипак қуртидан 80,6 килограмм пилла олгани маълум бўлди.***

Касаначининг қўлига шу ернинг ўзидаёқ пилланинг ҳар бир килоси учун 236 сўмдан нақд пул берилди. Бунгача эса ҳамма қатори бўнак пули олганди. Мавсум якунида касаначи яна моддий рағбатлантирилади.

**Пиллачилик**

–Туманимиз бўйича 4655 нафар касаначи пилла етиштириш билан шуғулланди, – дейди "Вобкентпилла" ҳиссадорлик жамияти агрономи Савриддин Ҳотамов. – Жами 256 тонна пилла етиштириш кўзда тутилган. Бу марра, албатта, эгалланади.

–Ўттиз йилдирки, ипак қурти боқаман, – дейди Бухоро туманининг Мижона қишлоғида яшовчи Фароғат Восиева. – Шукр, бу йилги мавсум ҳам баракали келди. Бир қути ипаки қуртидан етмиш килодан ошириб пилла топширдик.

Пиллачи-касаначилар билан шартномалар тузилиб, мавсум олдидан уларга бўнак пуллари берилиши, ипак қурти парвариши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши вилоятда мавсумни кўтаринки руҳда ўтказиш имконини юзага келтирди. Чунончи, "Вилоятпилла" бирлашмасидан бизга хабар беришларича, мавсум арафасида касаначиларга жами бир миллиард 240 миллион 106 минг сўм миқдорида бўнак пули тарқатилган. Икки минг етти юз эллик тонна "кумуш тола" хирмони яратиш мақсадини ўз олдига қўйган бухоролик пиллачилар етиштирилган ҳосилни қабул пунктларига пешма-пеш етказишмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# Маҳсулот учун эшик очиқ, карантин объектига эса йўл йўқ

***Қишлоқ хўжалигидаги изчил ислоҳотлар боис самарадорлик ошиб бораяпти. Бунда экинларни мақбул усулда жойлаштиришга, алмашлаб экишга эътибор кучайтирилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўсимликларни зараркунандалардан, бегона, заҳарли ўтлардан ҳимоя қилиш, уларнинг четдан кириб келиши, тарқалиши олдини олиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, четдан кириб келган ҳашаротлар, касалликлар, заҳарли, бегона ўт уруғлари тармоққа катта зарар келтириши мумкин.***

**СИРДАРЁ** вилояти ўсимликлар карантини давлат инспекцияси шу соҳа бўйича қабул қилинган қонунга асосан жаҳон миқёсида рўйхатга олинган карантин объектлари - ҳашаротлар, касалликлар, заҳарли, бегона ўт уруғлари вилоятда тарқалмаслигини назорат қилади.

Хўш, бу борада вилоятда қандай ишлар амалга оширилаяпти?

-Ҳашарот ва касалликлар чет давлатлардан транспорт воситаларида, уруғлик, кўчатлар орқали ва одамлар билиб-билмасдан олиб келиши орқали тарқалиб кетиши мумкин. Шунинг учун биз бу борада темир йўл станциялари бошлиқларини оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантирганмиз, - дейди вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи Содиқжон Тожиматов. - Божхона бошқармаси, Давлат санитария – эпидемиология станцияси билан биргаликда тадбир ишлаб чиқилди. Фермер хўжаликлари раҳбарларига номаълум ҳашарот, касалликлар, бегона ўтлар аниқланган тақдирда ёзма равишда далолатнома тузиб, бизга маълум қилишларини тушунтириб чиқдик.



«Ҳашарот ва касалликка қарши курашга ҳар биримиз масъулмиз»

Содиқжон ака ўттиз йилдан бери шу соҳада ишлаб келаяпти. Йиллар мобайнида тўпланган бой тажриба бугун ўз самарасини бераяпти. Мазкур инспекция фаолияти тез кўзга ташланмаса-да, иқтисодий фойдаси нечоғли салмоқли эканини қуйидаги мисоллар таҳлилида ҳам кўриш мумкин.

– "Эликс" фирмаси вилоятимизга хориждан 5 тонна чигит олиб келиб экишни режалаштирганди. Лекин бу орқали четдан Республикамизда бўлмаган ҳашарот – пахта куяси, пушқурт ёки ғўзанинг антракноз касаллиги келиб тарқалса, пахтамизнинг кўп қисмини нобуд қилиши мумкин эди, – дейди Содиқжон ака. – Биз бу борада қаттиқ туриб, республиканинг тегишли идораларига мурожаат этдик. Чигит талабга жавоб бермаганлиги сабабли тезкор чора кўрилди.

## Эҳтиёт чораси

Яна бир мисол: хориждан Гулистон ёғ-экстракция заводига 10 минг тонна соя қайта ишлаш учун олиб келинганди. Карантин экспертизасидан ўтказилганда, 9 та заҳарли ўт уруғи борлиги аниқланди. Дарҳол зарур тадбирлар ўтказилди, тозалаш пайтида ҳосил бўлган чиқиндилар куйдирилди. Технологик жараёнлар назоратга олиниб, заҳарли ўт уруғининг тарқалиши олди олинди. Қайта ишлагандан кейин ҳосил бўлган кунжаранинг бир қисми чет давлатга экспорт қилинди. Шу давлатнинг карантин инспекцияси бу маҳсулотда заҳарли ўт уруғи борлигини билдириб, у куйдириб ташланиши зарурлигини маълум қилди. Биз эса технологик жараённи тўғри ташкил қилганимизни, карантин тадбирини қандай бажарганимизни, оқибатда, ўт уруғининг униб чиқиш қобилияти йўқотилганлигини айтдик. Шу билан маҳсулот куйдириб йўқ қилинишидан сақлаб қолинди. Бу тадбирнинг иқтисодий самарасини ҳисоблаб олаверинг.

Исроилнинг "Нефтафим" фирмасидан олиб келинган "Гидера-5", "Гидера-10" навли чигитлар 100 гектар майдонга экилди. Тегишли назоратдан ўтказилганда, ғўзада антракноз касаллиги борлиги маълум бўлди, олинган пахта хом ашёсида карантин тадбири ўтказилди. Ғўзапоя куйдирилди, пахта қайта ишланган завод агрегатлари дезинфекцияланди. Шу майдонлар атрофлари ҳозиргача назоратда турибди.

2003 йили вилоятимиздаги йўл ёқалари, уй-жой, ташкилотлар ҳовлиларида республикамизда бўлмаган, одамлар "келингули" деб ном қўйган заҳарли ўт-малла чой кўплаб экила бошлаганди. Бу заҳарли ўтни "сутлома" ҳам дейишади. Одамларда аллергик касаллик келиб чиқаради. Ўсимлик сути қўл орқали лабга тегса, у шишиб, одам ўлим ҳолатига келиб қолиши ҳам мумкин. 6 мингта плакат чиқариб, коллеж, лицей, мактабларга тарқатдик. Вилоят телевидениеси, газета саҳифаларида доимий чиқишлар қилиб, бу ўтнинг зарарлилигини кўрсатдик. Вилоят телевидениеси орқали ҳар соатда эълон бериб бордик. Мазкур ўсимликни йўқ қилиш борасида кўрсатмалар, тушунтиришлар берилди. Бозорларда, одам гавжум жойларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада, заҳарли ўт батамом йўқ қилинди. Аҳоли заҳарланишининг олди олинди.

Ҳозирги кунда кўпгина давлатларда қайси турдаги карантин объектлари борлиги ва уларни қандай зарарсизлантириш йўлларини биламиз. АҚШ, Исроил, Хитой, Покистон, Афғонистонда пахта куяси, ғўзанинг антракноз касаллиги бор. Шулар транспорт воситалари орқали мамлакатимизга кириб келиши мумкин. Вилоятимиздан катта магистраль йўл ўтган, доимий равишда чет давлат автомашиналари, хорижий мамлакатлар фуқаролари ўтади. Шунинг учун ҳам йўл ёқасидаги пахта экиладиган майдонларга алоҳида эътибор қаратиб, доимий равишда дала назорати ўтказиб турамиз.

Ҳамдўстлик давлатларидан Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳри атрофида 5 турдаги зараркунанда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳри яқинида эса "оқ капалак" тарқалди ва унинг қурти жуда кўп дарахтларни еб, катта зарар етказди. Шу боис чегара ҳудудларида доимий назоратни кучайтирганмиз.

Дарҳақиқат, ушбу инспекция ишини таҳлил қилар эканмиз, малакали мутахассислар хизматлари туфайли ўсимликлар зараркунандалардан ҳимоя қилинаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Миллионлаб сўм маблағлар тежаб қолинаяпти. Ўз соҳасининг жонкуяри Содиқжон Тожиматов етук мутахассис.

Бу сафар уни Оқолтин туманида учратдик.

– Ҳозир фермерга елкадош бўлсак, эртага мўл ҳосил етиштирилади, - дейди у. – Берилган топшириқни астойдил, виждонан бажаришга одатланганман. Ўзингни қийнамасанг, ҳеч нарсага эришолмайсан. Барчамизнинг бугунги ҳаракатимиз эртага юзимизни ёруғ қилади.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**




Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ўтказаётган "Жамият ва Мен" танлови давом этади.

## Танлов йўналишлари

**Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

- энг яхши таҳлилий мақола;
- энг ўткир танқидий мақола;
- энг яхши журналист текшируви;
- интернетдаги энг яхши мақола;
- энг муфассал шарҳ;
- энг яхши фоторепортаж;
- йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

## Танлов шартлари

**Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.**

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, 2 нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда, "Жамият ва Мен" танловига" рукнида 2006 йилнинг 1 сентябридан – 2007 йилнинг 10 июнига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" байрами арафасида аниқланиб тақдирланадилар.

## Танловни ўтказиш тартиби

**Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.**

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади. Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

## Танлов ғолибларига мукофотлар

**Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом, рақамли фотоаппарат ва диктофон билан тақдирланадилар.**

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар "Жамият ва Мен" танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 15 июнига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Тел./факс: 144-12-51, www.mmf.uz; e-mail: mmf@uzpak.uz

**Ташкилий қўмита**

## Ишга марҳамат!

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли Республика малака ошириш ўқув-ишлаб чиқариш маркази қуйидаги бўш (вакант) ўринларга ишга таклиф этади.**
**–Бош методист**
**–Методист**
**–Компьютерчи-программист**
**–Кутубхоначи**
**–Ҳисобчи**

**Мурожаат учун тел.: 173-43-31. Тошкент шаҳар Қатортол кўчаси, 8-квартал, 21-уй. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси биноси.**

DESK-INVEST

Ўзбекистон - Австрия қўшма корхонаси

ўз маҳсулотларини тавсия қилади:



**Уларни тайёрлашда қўлланилаётган фин ускуналари ва замонавий технологиялар, Европа сифати ушбу буюмларнинг камида 50 йил хизмат қилишини кафолатлайди.**

**Корхонада қалинлиги 0,5 мм бўлган юқори сифатли металл черепицалар, қалинлиги 055-0,8 мм рухланган профнастил ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, 1,5-30 мм қалинликдаги қора прокат ҳамиша сотувда бор.**

**Маҳсулотлар зангланишдан ва ташқи муҳитнинг қаттиқ таъсиридан ишончли муҳофазаланган.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шамсуддинова кўчаси, 45.**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**(998 90) 175-62-57; (998 93) 388-01-27**

Маҳсулотлар сертификатланган

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
ХАЛҚ БАНКИ

омонатчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда навбатдаги янги

"МАТОНАТ", "ШОДИЁНА" ВА "ФАРОВОН ҲАЁТ"

*омонат турларини таклиф этади.*

Жамғарилувчи **"МАТОНАТ"** омонати иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари номига очилиб, уларнинг пенсия пулларини ҳар ойда нақд пулсиз ўтказиш орқали қабул қилиниб, сақланиш муддатидан қатъи назар **йиллик 24 фоиз** ҳисобида даромад тўланади.

**Фоиз даромади ҳар ойнинг 1-санасига ҳисобланиб, омонат қолдиғига қўшилади ва омонатчининг биринчи талаби бўйича нақд пулда берилади.**

Муддатли **"ШОДИЁНА"** омонатига маблағлар **3 ой** муддатга **йиллик 22 фоиз** даромад тўлаш шарти билан камида **100 000 сўм** миқдорида нақд пулда қабул қилинади.

Жамғарилувчи **"ФАРОВОН ҲАЁТ"** омонатига маблағлар деҳқон ва фермер хўжаликлари аъзолари томонидан нақд пулда ёки ойлик маошларини нақд пулсиз ўтказиш орқали амалга оширилади. Сақлаш муддати **6 ой**, фоиз даромади **йиллик 21 фоиз**.

**Омонатчининг истагига кўра хоҳлаган пайтда қўшимча бадаллар қабул қилинади.**

**Фоиз даромадлари ҳар ойда** нақд пулда берилиши ёки омонатчининг хоҳишига кўра, фоиз даромадлари коммунал тўловларига ёхуд бошқа ҳисоб-китоб учун хизмат ҳақи олинмасдан ўтказиб берилиши мумкин.
Мазкур омонат турларига маблағлар Халқ банкининг барча филиалларида қабул қилинади.
Омонатдаги маблағларингизни биринчи талабингиз бўйича берилиши таъминланади.
**Халқ банкида аҳоли омонатлари дахлсизлиги Давлат томонидан кафолатланган!**

**Сизни қизиқтирган қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олишингиз мумкин: 173-99-95**

ХАЛҚ БАНКИ - СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Туркиянинг хорижий сармоя иштирокидаги "EUROKONSEPT" МЧЖ ўз Низом жамғармасини 485 797,28 АҚШ долларидан 299 598,38 АҚШ долларигача камайтираётганини маълум қилади. Маълумот учун телефон: (8-7071) 54-075; 54-844.

ООО "EXIM LOGISTICS" Мирабадского района г.Ташкента сообщает о преобразовании в ЧП "EXIM LOGISTICS" (код по ОКПО 20967744). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул.Шевченко, дом 23.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг акцияларини харид қилиб, доимий даромад манбаига эга бўлинг!

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!!!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинган.**
**Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги "Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:**

**– юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;**
**– фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.**

Шошилинг, ушбу имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

**"Пахта Банк" акциялари "Тошкент" республика фонд биржасининг "А" тоифадаги расмий листингида бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.**
**Имкониятларни қўлдан бой берманг!**
**Даромадингизни янада кўпайтиринг.**
**Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефон рақами орқали мурожаат этишингиз мумкин. (8-371) 173-25-51.**

"Пахта Банк" – фаровонлигингиз калитидир!

